

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**“СЕРВИС СОҲАСИ ИҚТИСОДИЁТИ” КАФЕДРАСИ
КАФЕДРА «ЭКОНОМИКИ СФЕРЫ СЕРВИСА»**

**“ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ СЕКТОР ШЕРИКЛИГИ
АСОСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИДА КЛАСТЕРЛАРНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

**Республика илмий-амалий анжумани
ТЕЗИСЛАР ТЎПЛАМИ**

**СБОРНИК ТЕЗИСОВ
Республиканской научно-практической конференции**

**“ПЕРСПЕКТИВЫ ФОРМИРОВАНИЯ КЛАСТЕРОВ В
ТУРИСТИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ НА ОСНОВЕ
ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА”**

**“Дурдона” нашриёти
Бухоро – 2019**

Давлат-хусусий сектор шериклиги асосида туризм соҳасида кластерларни шакллантириш истиқболлари

Дастурий қўмита: и.ф.д. О.Х. Хамидов, и.ф.ф.д. О.С. Қахҳоров, и.ф.н. Д. Ш. Явмутов, и.ф.н. С.У. Таджиева, и.ф.д. Б.Н. Навруз-Зода, и.ф.н. Н.С.Ибрагимов, и.ф.н. Ҳ.Р. Ҳамроев, А.Ж. Абдуллоев, и.ф.н. С.С. Рўзиев, и.ф.ф.д. Г.Р. Хидирова, О.Х.Азимов, Б.И. Адизов.

Таҳрир хайъати: и.ф.ф.д. О.С. Қахҳоров, и.ф.д. Б.Н. Навруз-зода, О. Жумаев, Г.Т. Зарипов, и.ф.н. Д. Ш. Явмутов, и.ф.н. С.У. Таджиева, и.ф.н. Н.С.Ибрагимов, А.Ж. Абдуллаев, и.ф.ф.д. Г.Р. Хидирова

“Давлат-хусусий сектор шериклиги асосида туризм соҳасида кластерларни шакллантириш истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани тўпламига етакчи олимлар, профессор-ўқитувчилар, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил изланувчилар, магистр ва бакалавр талабалари илмий тадқиқот ишлари доирасида илмий мақолалари ва маъруза тезислари киритилган. Мазкур анжуман давлат-хусусий сектор шериклиги асосида туризм соҳасида кластерларни шакллантириш йўллари аниқлаш мақсадида Бухоро давлат университетида Иқтисодиёт ва туризм факультети “Сервис соҳаси иқтисодиёти” кафедрасида Давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажарилаётган ОТ-Ф1-04(08)-рақамли *“Рақобатбардош туристик ҳудуд ва кластерларни шакллантириш асосида Ўзбекистонда туризмни давлат миқёсида барқарор ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш; Кооперация ва интеграция муносабатлари асосида фермер хўжалиқларида рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришнинг мақбул моделларини ишлаб чиқиш”* фундаментал тадқиқотлар лойиҳаси доирасида ташкил этилиб, анжуман материаллари тузилган ва нашр этилган.

Тўплам и.ф.д., профессор Б.Н. Навруз-Зода ва и.ф.н. Ибрагимов Н.С. умумий таҳрири остида чоп этилди.

Тўплам Бухоро давлат университети илмий-техникавий кенгаши томонидан чоп этишга тавсия этилган.

Такризчилар:

1. Азимов Б.Ф. - БухМТИ Менежмент кафедраси доценти, и.ф.н.
2. Мўминов Х.И. –Бухоро Давлат университети “Иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н.

Мазкур тўпламга киритилган мақолалар ва маъруза тезисларининг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар, саналарнинг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг шахсан ўзлари масъулдир.

МУНДАРИЖА

1-ШЎЪБА. ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ ШАКЛЛАНИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ИЛМІЙ НАЗАРИЙ ВА МЕЪЁРИЙ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Б.Н.Навруз-Зода	Туристтик кластерлаштириш жараёни	3
Ибрагимов Н.С.	Туристтик кластерларнинг турлари ва шаклланиш омиллари	5
Р.Х.Эргашев, А.Д.Равшанов	Кластерли ёндашув асосида қишлоқ хўжалик корхоналарининг устувор йўналишлари	7
Б.Рузметов	Святые места Хорезмского региона Республики Узбекистан и их роль в развитии паломнического туризма в великом шелковом пути	12
Тоҳиров Ж.Р.	Давлат-хусусий шериклигининг мазмун-моҳияти ва шакллари	17
Нарзиев М. М.	Бухоро вилоятида туризмни ривожлантиришда туристик кластерларни жорий қилиш истиқболлари	21
Д.Худайберганаов	Давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини амалга оширишни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	24
Асрақулов А. С.	Хизматлар соҳасида давлат-хусусий шерикчилиги механизмининг аҳоли бандлиги самарадорлигини оширишдаги ўрни	26
Мирзаев А.Т.	Туристтик-рекреация хизматлари кластерларини шакллантиришда давлат-хусусий шерикчилик механизидан фойдаланиш	30
Кадилова Х.Т. Соҳадалиев А.М. Каримжанова Р.М.	Сущность, необходимость и значение финансовой политики в развитии национальной экономики	34
Кадилова Х.Т. Мирзахоликов Б. Б.	Основные направления совершенствования инвестиционной политики и деятельности субъектов финансового рынка	37
Навруз-зода Л. Б., Абдурахимов А.	Повышение социального престижа предпринимательских фирм в Бухарской области	41

2-ШЎЪБА. ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ ТЕЗ СУРЪАТЛАРДА РИВОЖЛАНАЁТГАН ШАРОИТДА РАҚОБАТБАРДОШ ТУРИСТИК КЛАСТЕРЛАРНИ ШАКЛЛАНИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Турдибеков Ҳ.И.	Рақобатбардош туризм кластерларини шакллантириш йўналишлари	43
Бозоров А.Р., Бадалова Н.Ғ.	Туризм соҳасида кластернинг аҳамияти	46
Tadjiyeva S.U., Shadiyev A.X.	Klaster asosida qishloq turizmini rivojlantirish yo'llari	49

3-ШЎЪБА. ТУРИСТИК КЛАСТЕРЛАРНИ ШАКЛЛАНИРИШ ВА БАҲҚАРОП РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМІЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Tairova.M.M., Temirova D. A.	Cluster formation and development in regional economic systems	53
Асадов Ф. Ш. Муротова Н.У.	Основы логистического подхода в управлении туристской компанией	54
С.М.Ғуломжонова	Қишлоқ аҳолиси даромадларини ошириш йўллари	56
Наврўз-зода З.Б.	Туристтик кластернинг икки томонлама табиати	57

БУХОРО ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТУРИСТИК КЛАСТЕРЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Нарзиев Мирфайз Махмуджонович,
БухДУ таянч докторанти

Жаҳон иқтисодиётининг жадал суръатлар билан ўсиб бориши, глобализация ва тўртинчи саноат революциясининг (*Industry 4.0*)¹ кириб келиши билан, корпорация, ОТМлар, давлат ташкилотлари ва бошқа хўжалик субъектларининг янада бирлашиб ўзаро ҳамкорлик қилишнинг янги шакллари пайдо бўлди. Бунинг яққол мисоли бўлиб, хўжалик юритишнинг самарали шакли сифатида ҳозирда машхур бўлиб бораётган *кластерлар* тузиб, фаолият кўрсатишни мисол келтириш мумкин. Кластерлар олдин саноат тармоқларида шаклланиб, ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳасига ҳам кириб келмоқда.

АҚШда саноат кластерлари иқтисодий унумдорлигининг ўсганлигини биринчи бўлиб Маршал деган иқтисодчи-олим ўзининг илмий ишларида 1920 йили қайд қилган. Ундан кейин 1990 йилда профессор Портер ўзининг “Халқларнинг рақобатбардошлик устунлиги” китобида регионларнинг рақобатбардошлилигини кластер концепцияси асосида таҳлил қилиб, ўзининг машхур “*Бриллиант модели*”ни (1–расм) яратган. Бриллиант модели ўз ичига туризмнинг 3 таркибий қисмларини қамраб олади.



Портернинг фикрича, кластер бу: “*бир ҳудудда бир хил соҳадаги корхона ва ташкилотларнинг ҳамкорликда ишлаши*”² дир. Бу ҳамкорлик кластери ўз навбатида самарадорлик, инновация ва рақобатни ривожлантиради. Портернинг кластер теориясига асосланиб, биринчилардан бўлиб АҚШнинг Калифорния штатида “Силликон Оазис” (Silicon Valley)³ ташкил этилиб, у юқори техника ва технологиялар соҳасида ишлайдиган бир неча йирик компанияларни, Apple, Cisco, Facebook, Google, HP, Intel, Netflix, Oracle ва Tesla ни ўз ичига олди. Бу кластер илмий тадқиқотлар олиб бориш учун, АҚШнинг машхур Гарвард университети билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

¹ <https://www.deutschland.de/en/topic/business/industry-40-german-companies-are-bundling-their-know-how>

² <https://hbr.org/1998/11/clusters-and-the-new-economics-of-competition>

³ <https://www.siliconvalley.com/>

2003 йилдан бошлаб, Европа Иттифоқи кластер тизимининг юқори самарадорлигини тан олиб, Европа давлатларига уни тадбиқ қилишни бошлади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кластерларнинг миллий иқтисодиётдаги улуши ўсиб бораётган бўлиб, АҚШ иқтисодиётида бюджет ташкилотларидан ташқари банд аҳолининг 32%и, Швецияда эса 39% аҳоли фаолият олиб бораётган бўлиб ҳисобланади. Давлатда кластер тизимлари қанча кўп ривожланган бўлса, бу мамлакатнинг ҳаёт даражаси ва ташкилотларининг рақобатбардошлиги шунча юқори бўлади.

Украиналик олим М.П. Войнаренконинг фикрича¹, юқори самарали кластерларни ташкил қилиш ва ривожлантириш учун **“5И” шартлари** мавжуд бўлиши керак ва булар:

1) Инициатива (*Ташаббус*) – ташаббускор тадбиркор, давлат мутасадди амалдорлари ва мулк эгалари бўлиб, улар ўзларининг ташкилотчилик қобилиятлари билан, бир неча бизнесменларни жам қилиб, уларнинг қизиқишини ошириб ва амалда кластер тизими бўйича ишлашнинг юқори самарадорли эканини исботлаб, кластерларни ташкил қилиш ва шу билан бирга бутун регион учун фойда келтириш;

2) Информация (*Маълумот*) – билим ва малака алмашиш, маълумотларнинг мавжудлиги, шаффофлик, интернет саҳифаларида ҳамкорликдаги маълумот базаларини яратиш, меҳмонхона хизматларидан фойдаланиш ва брон қилиш бўйича тизимларни жорий қилиб, маълумотнинг тез алмашишини таъминлаш;

3) Интеграция – регионларда давлат ташкилотлари, ОТМлар ва фирмалар билан биргаликда ўзаро ҳамкорликнинг янги шаклларида фойдаланиш;

4) Инновация – меҳмонхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида, уларнинг хизматларини кенгайтириш, янги йўналишларини яратиш, сотилишини таъминлаш, молиялаштириш ва бошқариш;

5) Интерес (*Қизиқиш*) – хўжалик субъекти фаолиятининг асосий шarti ҳисобланиб, кластер уюшмалари иштирокчиларининг қизиқишини орттириб, иқтисодий фойда олишни назарда тутди.

Шундай қилиб, туризм соҳасида кластерларни яратиш бу – глобал рақобат шароитида регионлар иқтисодиётини бошқаришнинг самарали йўли ҳисобланиб, туризм кластери қуйидагиларни ўз ичига олади (**2–расм**. Туризм кластери²).

Ҳозирги кунда ҳукуматимиз томонидан республикада туризм соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ишларнинг олиб борилиши натижасида, туризм бозорида иштирокчиларнинг сони ва таклиф қилинадиган хизматлар кўпайди. Бу эса, ўз-ўзидан иштирокчилар орасида ҳамкорликнинг кластер тизимини шакллантириб ўзаро манфаатли фаолият олиб боришни юзага келтирди.

Хусусан, Бухоро шаҳрида қайта таъмирланиб ишга туширилган “Ориент Стар Варахша” ва яқинда Индонезиянинг “Sahid Hotels and Resorts” меҳмонхоналар занжири билан ҳамкорликда ишга тушадиган “Sahid Zarafshon”³ меҳмонхона

¹ Войнаренко М. П. Кластерные модели объединения предприятий в Украине // Экономическое возрождение России. 2007. № 4 (14).

² Муаллиф ишланмаси.

³<https://telegra.ph/indonezijskaya-kompaniya-sahid-group-beret-v-upravlenie-gostinicu-v-buharskoj-oblasti-11-08>

комплекси, бошқа кўплаб хусусий очилган меҳмонхоналар, ресторан ва кафелар бунга мисолдир.



Бухоро вилоятининг туризм соҳасида кластерларни жорий қилиш истиқболлари кўпқиррали бўлиб, қуйидаги йўналишларда олиб борилиши мумкин:

❖ Хорижий давлатларда кенг тарқалаётган органик маҳсулотлар (Organic products) ва сайёҳларнинг унга бўлган талабини (Healthy lifestyle) инобатга олиб, меҳмонхона ўзининг боғлар ва иссиқхоналарини яратиб, органик маҳсулотларни меҳмонларга етказиш ва у ерлар билан танишиш мақсадида меҳмонларга саёҳатлар уюштириш;

❖ Меҳмонхоналар туристлар учун мўлжалланган автобус ва енгил автомобилларни сотиб олиб, ўзининг кичик автопаркини ташкил қилиши ва янги туристик йўналишларни аниқлаб, туристик мавсум бўлмаган вақтда транспорт хизматларини ҳам кўрсатиши мумкин;

❖ Бухоро вилоятида ҳозирда машҳур бўлган “Етти Пир” зиёратгоҳлари жойлашган туманларнинг таниқли миллий хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган мини цехларни ташкил қилиб, уларга саёҳатлар уюштириш; масалан, Ғиждувон кулолчилиги, Бухоро зардўзлиги ва заргарлиги, темирчилик, миниатюра рассомчилик, ипакчилик, Қоракўлнинг қоракўл терилари ва бошқалар. Меҳмонхона бу мини цехларда ишлаб чиқарилган сувенир маҳсулотларни, ўзининг сувенир дўконида, меҳмонхона бренди асосида сотиши ҳам мумкин бўлиб, бу ўз навбатида қўшимча даромад ва меҳмонхона бренди рейтингининг ошишига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар ва веб-сайтлар рўйхати

1. “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари.-Т.: Адолат, 2019 йил, 18 Июльдаги 549–сонли янги таҳрирда қабул қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7-февралдаги "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3514 сонли Қарори.

3. Войнаренко М. П. Кластерные модели объединения предприятий в Украине // Экономическое возрождение России. 2007. № 4 (14).

4. <https://hbr.org/1998/11/clusters-and-the-new-economics-of-competition>

5. <https://telegra.ph/indonezijskaya-kompaniya-sahid-group-beret-v-upravlenie-gostinicu-v-buharskoj-oblasti-11-08>

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Д.Худайбергенов, УрДУ Туризм кафедраси доценти

Маълумки, республикамиз иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларни самарали амалга ошириш лозим. Бу борада республика ҳудудларида замонавий ишлаб чиқариш ва муҳандислик коммуникация тармоқлари бўйича лойиҳаларни яратиш, уни бажариш учун давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бу борада республикамизда давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини жорий этиш концепцияси ишлаб чиқилди.

Давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини амалга ошириш учун мақбул концепция зарур бўлиб, унинг фаолияти самарали шерикчилик тамойиллари асосида ривожланади. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари” тўғрисидаги қонуни қабул қилинган. Давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари мамлакатда барқарор иқтисодий-ижтимоий муҳитни таъминлаш мақсадида инфратузилма ва бошқа хизматларни молиялаштириш, лойиҳалаштириш, таъмирлаш, бошқариш ва назорат қилишни таъминловчи давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари ҳисобланади.

Бугунги кунда давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари қуйидаги асосий белгилар ва хусусиятларга эга бўлади:

- давлат инфратузилма ва бошқа хизматларнинг хусусий сектор томонидан таъминланишига қаратилган шартномавий келишув;
- инвестицияларни жалб қилишнинг юқори даражаси;
- инфратузилма ёки хизмат бажарилишининг хусусий сектор томонидан тўлиқ ёки қисман қопланиши;
- инновацияларни ишлаб чиқиш ва қўллаш имкониятларининг юқорилиги;
- таваккалчилик хатари ва олинган фойданинг томонлар ўртасида тақсимланиши;
- молиявий чекловларнинг осонлашуви ва пул маблағларидан самарали фойдаланиш имконияти;
- харажатларни камайтириш ёки натижани максималлаштиришдан келадиган синергетик ҳамкорлик;
- инфратузилма ва хизматларнинг қисқа муддат ичида етказиб берилиш имкониятининг мавжуд эканлиги.

Шунингдек, давлат-хусусий шерикчилик муносабатларининг асосий шакллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- давлат ва хусусий шерик ўртасидаги жамият учун лозим бўлган фаолият ва хизматларни етказиб бериш борасидаги шартнома;